

**ЧИРЧИҚ-БОЗСУВ ДЕРИВАЦИЯ КАНАЛИДАГИ СУВ
РЕСУРСЛАРИНИНГ БИР ҚИСМИНИ МИРЗАЧЎЛ ҲУДУДИГА
ТАШЛОВЧИ КАНАЛДА СОДИР БЎЛАДИГАН БЕҶАРОР СУВ ОҚИМИ
ҲАРАКАТИНИНГ СТОХАСТИК МОДЕЛИ**

Э.А.Казаков

PhD., Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти,

Ш.Шониёзов

Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти таянч доктаранти,

З.Р.Ахмедов

Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти тадқиқотчиси,

Л.У.Турсунов

Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти тадқиқотчиси,

Ш.Х.Мустофоев

Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти тадқиқотчиси

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақола Чирчиқ-Бозсув деривация каналидаги сув ресурсларининг бир қисмини Мирзачўл ҳудудига ташловчи каналда содир бўладиган бекарор сув оқими ҳаракатининг стохастик моделини ишлаб чиқшига қаратилган.

Калим сўзлар. Чирчиқ-Бозсув деривация канали, стохастик модел, сув ресурслари.

ABSTRACT

This article is aimed at developing a stochastic model of the unsteady flow of water in the Chirchik-Bozsuv derivation channel, which discharges part of the water resources to the Mirzachol region.

Keywords: Chirchik-Bozsuv derivation channel, stochastic model, water resources.

КИРИШ

Бозсув деривация канали Чирчиқ-Оҳангарон дарёлар ҳавзасида жойлашган бўлиб, дарёлар ҳавзасида ўртача кўп йиллик шаклланадиган сув ресурслари $9,32 \text{ km}^3$ ни ташкил этади. Ушбу сув ресурсларининг 93 фоизи ёки $8,67 \text{ km}^3$ ни дарё сувлари шакллантиради. Дарёлар ҳавзасининг асосий сув манбааси бўлиб Пскем ва Чатқол дарёлари қўшилишидан ҳосил бўладиган Чирчиқ дарёси ҳисобланади [1].

Хозирги кунда Бозсув деривация канали орқали ўртача бир йилда Ўзбекистон Республикаси лимитлари доирасида, $1,2\text{-}1,3 \text{ km}^3/\text{йил}$ сув ресурслари

бекудага Сирдарё дарёси орқали Қозоқистон Республикаси ҳудудига ташлаб юборилмоқда. Ташлаб юборилаётган сув ресурсларини Мирзачўл ҳудудига ташлаш канали схемаси, конструкциялари, гидравлик самарадорлиги ва ишончлилигини оширишга қаратилган илмий асосланган альтернатив инновацион варианларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Чирчиқ-Бозсув деривация каналидаги сув ресурсларининг бир қисмини Мирзачўл ҳудудига ташловчи каналда содир бўладиган бекарор сув оқими ҳаракатининг стохастик моделини ишлаб чиқамиз [2,3].

Ҳавза ички сув ташлаш каналида содир бўладиган бекарор сув ҳаракатининг стохастик моделини ишлаб чиқиш учун сув оқимида (1-1) ва (2-2) қирқимлар орасида ҳаракат миқдорини ўзгаришини кўриб чиқамиз. Δt вақт бирлигида (1-1) ва (2-2) қирқимлардан ўтадиган сув миқдори учун қуйидаги ифодаларни ёзиб оламиз [2,3]:

$$\begin{aligned}\Delta Q_1 &= C \sqrt{l} \left[\frac{\partial u}{\partial x} \right]_{x_{1-1}} \omega \Delta t, \\ \Delta Q_2 &= C \sqrt{l} \left[\frac{\partial u}{\partial x} \right]_{x_{2-2}} \omega \Delta t.\end{aligned}\quad (1)$$

Бу ерда: C -Шези коэффициенти, l -(1-1) ва (2-2) қирқимлар орасидаги масофа.

(1-1) ва (2-2) қирқимлар оралиғидаги бўлинма ҳаракат миқдорини ўзгаришини ифодалаш мақсадида $\left[\frac{\partial u}{\partial x} \right]_{x_{1-1}} - \left[\frac{\partial u}{\partial x} \right]_{x_{2-2}}$ айирмага нисбатан Лагранж теоремасини қўллаб қуйидаги ифодага эга бўламиш:

$$\Delta Q_1 - \Delta Q_2 = \left[C \sqrt{l} \left[\frac{\partial u}{\partial x} \right]_{x_{1-1}} \omega \Delta t \right] - \left[C \sqrt{l} \left[\frac{\partial u}{\partial x} \right]_{x_{2-2}} \omega \Delta t \right] \approx -u \omega \Delta t \frac{\partial u}{\partial x} \quad (2)$$

Δt вақт ичдиа отсекда оқим тезлиги Δu катталикка ўзгаради:

$$\Delta Q_1 - \Delta Q_2 \approx \frac{\partial u}{\partial x} \omega \Delta t - \Lambda \omega \Delta t \quad (3)$$

(2) ва (3) ифодаларни тенглаштириб, қуйидаги тенгламага эга бўламиш:

$$\frac{\partial u}{\partial t} + u \frac{\partial u}{\partial x} = \Lambda \quad (4)$$

Бу ерда: Λ -стохастик ҳолат учун гравитация кучини ифодаловчи катталик.

(4) тенгламани қуйидаги кўринишда ёзиб оламиз:

$$\frac{\partial u}{\partial t} + \frac{\partial \Phi(u)}{\partial x} = \Lambda \quad (5)$$

Бу ерда: $\Phi(u) = \frac{u^2}{2}$.

$L_t = \frac{\partial}{\partial t}$ ва $L_x = \frac{\partial}{\partial x}$ операторларни эътиборга олиб (5) тенгламани қуйидаги кўринишда ёзиб оламиз:

$$L_t u + L_x \Phi(u) = \Lambda \quad (6)$$

Энди L_t^{-1} -тескари оператор мавжуд деб фараз қилиб қўйидагига эга бўламиз:

$$u = L_t^{-1} \Lambda - L_t^{-1} L_x \Phi(u) \quad \text{ёки } u = L_t^{-1} \Lambda - \frac{1}{2} L_t^{-1} L_x u^2 \quad (7)$$

Стохастик дифференциал операторни қуйидагича белгилаб оламиз:

$$\sum_{n=0}^{\infty} \Lambda \lambda \exists_n = L_t^{-1} \Lambda - \frac{1}{2} L_t^{-1} L_x \lambda [\sum_{n=0}^{\infty} \Lambda \lambda^n \exists_n] [\sum_{m=0}^{\infty} \Lambda \lambda^m \exists_m] \quad (8)$$

(8) ифодадан қўйидаги тенгламаларга эга бўламиз:

$$\lambda \exists_0 = L_t^{-1} \Lambda = u_0, \quad (9)$$

$$\lambda \exists_1 = \frac{1}{2} L_t^{-1} L_x \left[\frac{1}{2} (L_t^{-1} L_x) (L_t^{-1} \Lambda) (L_t^{-1} \Lambda) \right] = \frac{1}{2} L_t^{-1} L_x u_0^2.$$

(9) ва (7) тенгламалар тизимидан (3.8) хусусий хосилавий дифференциал тенглама ечимида эга бўламиз:

$$u = u_0 - \frac{1}{2} (L_t^{-1} L_x) u_0^2 \quad (10)$$

Натижада Чирчиқ-Бозсув деривация каналидаги сув ресурсларининг бир қисмини Мирзачўл худудига ташловчи каналда содир бўладиган беқарор сув оқими ҳаракатининг стохастик моделига эга бўламиз. Деривация каналларидан технологик беҳудага ташлаб юборилаётган сув ресурсларини сув тақчил худудларга ташлаш каналлари ва улардаги гидротехника иншоотларини гидравлик ҳисоблаш усулларини такомиллаштиришга қаратилган илмий асослар ушбу худудда сув таъминоти ҳолати кескин яхшиланишига сабаб бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР (REFERENCES)

1. И.Э.Махмудов “Повышение эффективности управления и использования водных ресурсов в среднем течении бассейна р.Сырдарья (Чирчик-Ахангаран-Келесский ирригационный район)”. Республика илмий техник анжуман 1-2 май 2015 йил.
2. И.Э.Махмудов, Э.А.Казаков, У.Садиев, О.Ғуломов “Гидравлическая модель регулирования колебаний уровня воды в Большом Наманганском канале” ТАЙИ хабарномаси 2020 йил №2.
3. Э.А.Казаков, У.А.Садиев “Гидравлическая модель регулирования водоподачи при колебаниях уровня воды в магистральных каналах” АгроВИД. 2020 йил №1.